




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

Ахборот-таҳлилий маълумот

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ИНФЛЯЦИЯ



Тошкент 2020 й.

Ахборот-таҳлилий маълумот

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ИНФЛЯЦИЯ

Марказий банк томонидан ҳудудлар кесимида даромадлари даражаси бўйича таснифланган аҳоли гуруҳларига нисбатан инфляциянинг таъсири ўрганилди. Хусусан, **Уй хўжаликлари харажатлари ва даромадлари бўйича сўров (УХДС)**¹ натижалари ҳамда ҳудудлар кесимидаги истеъмол нархлари индекси (ИНИ) маълумотлари асосида уй хўжаликлари даромадлари ва харажатлари ўсиши таҳлил қилинди. Шунингдек, олинган натижалар асосида ИНИ ва яшаш қиймати ўртасидаги тафовутлар ўрганилди.

ИНИ ва яшаш қиймати ўртасидаги фарқлар

Истеъмол нархлари индексининг ўзгариши бўйича ҳисобланадиган инфляция даражаси истеъмол саватчасидаги товар ва хизматлар нархларининг ўртача ўзгариш суръатларини акс эттиради. Истеъмол нархлари индекси истеъмолдаги товар ва хизматларнинг ягона истеъмол тўплами мамлакатдаги барча уй хўжаликларига тўғри келади, деган тахмин асосида ҳисобланади².

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда фойдаланиладиган товар ва хизматлар нархлари – бу мамлакат бўйлаб чакана савдо дўконларидан олинган ўртача нархлардир.

Бунда ИНИ уй хўжаликлари харажатлари таркибининг бирхиллигини ҳамда истеъмол тўпламида товарлар ва хизматларнинг доимий миқдори ва сифати сақланишини ҳисобга олган ҳолда нархларнинг ўртача ўсишини акс эттиради.

¹ **Уй хўжаликлари харажатлари ва даромадлари бўйича сўров (УХДС)** уй хўжаликлари даромадлари ва истеъмол харажатлари таркиби бўйича статистик маълумотларни тўплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармалари мутахассислари томонидан танлов асосида ўтказилди. 2020 йил **10-15 февраль кунларида** ўтказилган сўровда жами 880 та, шу жумладан, ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан 60 тадан (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 80 тадан) респондентлар қатнашди. Бунда респондентларнинг 70 фоизи шаҳар аҳолисига, 30 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келади. Ушбу танлов тасодифий бўлиб, респондентларнинг камлиги сабабли умумий тенденцияларни тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин.

² **Истеъмол тўплами** – улар асосида ИНИни ҳисоблаш мақсадида мамлакатнинг барча ҳудудлари учун аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар гуруҳлари учун танланган намунадир. Унинг таркибига 510 та товар ва хизматлар турлари киритилган бўлиб, шундан озиқ-овқат маҳсулотлари 170 та позицияни, ноозиқ-овқат товарлари 250 та ва хизматлар 90 та позицияни эгаллайди.

ИНИ ўртача нархларни акс эттирганлиги боис, иқтисодиётдаги товар ва хизматларнинг умумий нархлари даражасини кенг қамровда ўлчаш имконини беради.

Ушбу индекс макроиқтисодий сиёсатни, хусусан, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда зарур ва фойдали кўрсаткич ҳисобланади.

Яшаш қиймати – пул шаклида ифодаланган аҳоли (унинг турли қатламлари ва гуруҳлари) томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинадиган моддий товар ва хизматлар миқдори ҳисобланади. Яшаш қиймати уй хўжалиқларининг истеъмол харажатлари таркиби ҳамда айнан истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар нархлари билан белгиланади.

Харажатлар таркиби уй хўжалиқлари ўртасида фарқ қилади, чунки унга биринчи навбатда, уй хўжалиқлари даромадлари, демографияси, оила таркиби ва яшаш ҳудуди таъсир қилади³.

Харажатлар таркиби ва нархларнинг ўзгариши сезиларли даражада фарқланган турли хил уй хўжалиқларида ИНИ орқали ҳисобланган инфляция билан яшаш қиймати ўсиши ўртасидаги боғлиқлик даражаси паст бўлиши мумкин.

Бунда ИНИ уй хўжалиқларининг айрим сегментлари учун яшаш қийматини камайтириши ёки ошириб юбориши мумкин⁴.

Харажатлар таркибининг бир хил эмаслиги ҳамда товарлар ва хизматлар нархларидаги кескин фарқларни ҳисобга олган ҳолда, яшаш қийматини янада кенгроқ таҳлил қилиш масаласи ҳар хил тоифадаги уй хўжалиқлари ва ҳудудлар учун харажатлар таркиби ҳамда унинг ўзгаришини баҳолашни талаб этади.

Уй хўжалиқларида ўтказилган сўровлар ва жамланмаган ИНИ маълумотлари асосида яшаш қиймати таҳлили


Марказий банкнинг УХДС маълумотлари, шунингдек, ҳудудий ИНИ бўйича маълумотлардан фойдаланган ҳолда мазкур тадқиқотда уй хўжалиқларининг турли гуруҳлари учун яшаш қиймати таҳлил қилинди.

Сўров натижаларида аниқланган маълумотларга кўра, уй хўжалиқлари даромадларининг тақсимланишида респондентларнинг асосий қисми – **38,7** фоизи ойига **2-4 млн. сўм** даромадга эга бўлганлар гуруҳига киради (1-расм).


³ Бошқа омиллар таркибига маълумот даражаси ва миллати киритилиши мумкин.

⁴ Эмпирик тадқиқотларга кўра, ИНИ ўрнини босувчи товарлар таъсири туфайли яшаш қийматини тўғри акс эттирмаслиги мумкин. ИНИ тўпламининг қатъий белгиланганлиги сабабли, у айрим товарлар ва хизматлар ўрнини арзонроқ товар ва хизматлар билан қопланишини акс эттирмаслиги мумкин ва бу нархларнинг ошишига қарамай яшаш қийматининг пасайишига олиб келади.

1-расм. Уй хўжалиklarининг даромад даражаси бўйича тақсимланиши




2-расм. Турлича даромад даражасидаги уй хўжалиklари истеъмоли таркиби



Ҳар хил даромадга эга уй хўжалиklари гуруҳлари харажатлари таркибидаги тафовут таҳлили кам даромадга эга бўлган уй хўжалиklари юқори даромадли гуруҳларга қараганда ўз харажатларининг кўпроқ қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига ва камроқ қисмини ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар (яъни транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар)га сарфлайдилар (2-расм).

Даромад даражасининг ўсиб бориши билан истеъмол таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши сезиларли даражада пасаймоқда. Даромадлари **6 млн. сўм** ва ундан юқори бўлган уй хўжалиklarининг истеъмол саватидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг даромади **2 млн. сўмдан** паст бўлган уй хўжалиklarиникига қараганда ўртача **26 фоиз** бандга кам.

3-расм. Ёш гуруҳлари бўйича истеъмол таркиби



Респондентларнинг ёш гуруҳлари бўйича таҳлил, кексалар томонидан даромадларининг кўпроқ қисмини (ўртача 80 фоизини) озиқ-овқат маҳсулотларига, ёшлар томонидан эса – ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларига сарфланишини кўрсатди (3-расм).

Бунда 30-55 ёшдаги аҳолининг харажатлари 30 ёшгача бўлган ёш гуруҳига нисбатан 18 фоизга ва 55 ёшдан ошган аҳолига нисбатан 63 фоизга кўпроқ. 30-55 ёшдаги аҳоли истеъмоли таркибида ноозиқ-овқат товарлари улушининг нисбатан юқори бўлиши ушбу гуруҳ вакиллари коммунал хизматлар ва бошқа молиявий мажбуриятларнинг асосий тўловчилари эканлиги билан изоҳланади.

2019 йил учун **ҳудудий инфляция кўрсаткичлари** республика ҳудудлари бўйича йиғилган ИНИ статистикаси асосида ҳисобланган (1-жадвал). Олинган маълумотларга кўра, ҳудудлар кесимида инфляция даражаси республика бўйича ўртача даражадан сезиларли фарқ қилади.

1-жадвал. Ҳудудлар кесимида даромадлар даражасининг асосий кўрсаткичлари ва инфляция

Ҳудудлар номи	Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми (млн. сўм)	ИНИ бўйича 2019 учун йиллик инфляция даражаси (%)				
		Умумий инфляция	Озиқ-овқат товарлари	Ноозиқ-овқат товарлари	Хизматлар	
Аҳоли жон бошига энг юқори даромадли ҳудудлар (ЯҲМ бўйича)	Тошкент шаҳри	20,0	16,6	20,7	11,3	16,5
	Навоий	16,4	12,9	13,7	9,1	17,4
	Бухоро	12,7	15,9	20,9	10,1	14,8
	Хоразм	10,8	15,0	18,3	11,3	14,1
	Тошкент вилояти	10,4	15,3	18,5	10,6	16,3
Аҳоли жон бошига ўртача даромадли ҳудудлар (ЯҲМ бўйича)	Андижон	9,7	15,4	19,0	9,6	17,3
	Жиззах	9,4	15,5	18,7	9,7	18,4
	Сирдарё	9,2	16,0	18,8	12,8	15,5
	Самарқанд	9,1	13,9	17,7	9,2	14,1
	Қашқадарё	8,8	15,8	17,0	14,9	14,9
Аҳоли жон бошига кам даромадли ҳудудлар (ЯҲМ бўйича)	Сурхондарё	8,7	14,6	18,4	10,3	13,9
	Наманган	8,0	15,1	17,9	12,4	14,0
	Фарғона	7,9	15,0	18,8	11,9	12,5
	Қорақалпоғистон Республикаси	7,8	14,6	19,3	8,6	14,9

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Юқори даромадли ҳудудларда нисбатан юқори инфляция даражаси кузатилмоқда.

Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари каби юқори даромадли ҳудудларда (Навоий вилоятидан ташқари) инфляция даражаси республика бўйича ўртача умумий инфляция даражасидан юқори шаклланган. Ушбу ҳудудлар аҳолиси республика умумий аҳолисининг 30 фоизини ташкил этади.


Уй хўжаликлари нисбатан паст даромадга эга бўлган ҳудудлар, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги инфляция даражаси мамлакатдаги ўртача инфляция даражасига нисбатан паст ҳисобланади. Мазкур ҳудудларда мамлакат умумий аҳолисининг 27 фоизи истиқомат қилади.

Аксарият ҳудудларда паст даромадга эга респондентлар нисбатан юқори инфляция даражасини сезганлар.


Даромадлари 1-2 ва 2-4 млн. сўм атрофида бўлган уй хўжаликлари даромадлари 6 млн. сўм ва ундан кўпроқ бўлганларга нисбатан **0,6-1,4 фоиз** бандга юқорироқ инфляция даражасини сезганлар.

4-расм. Даромад даражаси турлича бўлган гуруҳлар учун ойлик ва йиллик инфляция динамикаси⁵

а) Ойлик инфляция, фоизда



б) Йиллик инфляция, фоизда



2019 йилда озиқ-овқат инфляцияси 18,6 фоизни ташкил этган ва мос равишда нисбатан кам даромадли гуруҳлар харажатларининг катта қисми озиқ-овқатларга сарф қилиниши натижасида уларда юқори инфляция сезилган.

⁵ Даромад даражаси ҳар хил бўлган гуруҳлар учун инфляция даражаси УҲДС асосида 40 дан ортиқ товар ва хизматлар гуруҳидан ташкил топган саватча асосида ҳисобланди.


Шунингдек, кам даромадли аҳоли гуруҳлари йил давомида ноозиқ-овқат товарлари нархлари ўсиш даражасининг пасайишидан камроқ манфаат кўришди.

Юқори даромадли худудларда яшовчи кам даромадли уй хўжаликлари яшаш қийматининг кўпроқ ўсишига дуч келмоқдалар (4-расм).

Ойлик сезилган инфляция динамикаси ҳам даромад даражаси турлича бўлган уй хўжаликлари ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади.

Бунда кам даромадли уй хўжалиklarининг истеъмоли тўпламида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши юқорилиги сабабли, ушбу уй хўжалиklarига мавсумий ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган озиқ-овқат инфляцияси янада кучлироқ таъсир этади.

5-расм. Даромад даражаси турлича бўлган гуруҳлар учун йиллик инфляция ва ИНИ (фоизда)




2019 йил август ойида валюта курси девальвацияси тўғрисида нархларнинг ошиши юқори даромадли уй хўжаликлари томонидан кўпроқ сезилди, чунки улар ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларини сотиб олишга кўпроқ пул сарфлашади. Умуман олганда, энг юқори ва энг паст даромадга эга гуруҳлар учун сезилган инфляция даражалари тафовути **1,5 фоиз** бандни ташкил этади.


Бундан ташқари, ойлик инфляция даражасида мавсумий омиллар сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари пасайганда паст даромадли оилалар камроқ инфляцияни сезадилар.

Тадқиқот маълумотлари таҳлиliga кўра, уй хўжаликлари озиқ-овқат товарлари истеъмоли учун харажатларининг энг катта улуши гўшт маҳсулотларига – 33 фоиз, мева ва сабзавотларга – 19,6 фоиз, нон маҳсулотларига – 12,8 фоиз, сут маҳсулотларига – 7 фоиз ва бошқаларга тўғри келади (6-расм).

6-расм. Озиқ-овқат товарлари истеъмоли таркиби



7-расм. Истеъмол таркибининг даромад даражасига боғлиқлиги



Таҳлилий маълумотлардан гўшт маҳсулотларида эластик эгри талаб мавжудлигини ва даромад ўсиши билан гўшт истеъмолининг кўпайиб боришини кўриш мумкин. Бироқ, нон маҳсулотларида тескари тенденция кузатилди (7-расм).

Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 2019 йилда аҳолининг умумий даромадлари 21,9 фоизга ошди ва умумий харажатларнинг ўсиши ҳам шунга мутаносиб даражада ўсди.

Тадқиқот маълумотлари даромад даражаси нисбатан юқори аҳоли гуруҳларида (даромадлари 3 млн. сўмгача бўлган уй хўжаликлари бундан мустасно) умумий даромадлар уларнинг умумий харажатлари миқдоридан юқорилигини кўрсатмоқда ва бу уй хўжаликларига ўз даромадларининг бир қисмини тежаш имконини беради.

Шу билан бирга, УХДС маълумотларининг батафсил таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

Харажатлари миқдори даромадларидан юқори бўлган уй хўжаликлари. Бу гуруҳга пул кўринишидаги даромадларига нисбатан кўпроқ харажат қиладиган, асосан кам даромадли гуруҳга мансуб уй хўжаликлари киради ва истеъмолининг маълум қисмини уй шароитида етиштириши ёки харажатларнинг бир қисмини қисқа муддатли қарз мажбуриятлари билан қоплаши билан изоҳлаш мумкин.

Нисбатан кам даромадли⁶ ва юқори даражадаги молиявий мажбуриятли уй хўжаликлари. Мазкур уй хўжалиқларининг молиявий мажбуриятлари, шу жумладан, кредит тўловлари анча юқори даражада. Натижада нисбатан кам миқдордаги тежашга⁷ эга бўлган ушбу уй хўжаликлари нархлар ва даромад даражасидаги ўзгаришларга (шокларга) жуда таъсирчан ҳисобланади.

Қатъий белгиланган даромад олувчи уй хўжаликлари. 2019 йилда аҳолининг ялпи реал даромадлари 6,5 фоиз даражасида ўсган бўлса-да, даромадларининг реал ўсиши кам бўлган ёки умуман ўсмаган аҳоли гуруҳи мавжуд (нафақадагилар ёки қатъий белгиланган даромад олувчилар).

Умуман олганда, тадқиқот натижаларига кўра, уй хўжаликлари томонидан сезиладиган инфляция даражаси харажатлар таркиби ва нархларнинг ўзгаришига қараб фарқ қилади.

Хусусан, юқори даражада шаҳарлашган ҳудудларда истиқомат қилувчи кам даромадли уй хўжаликлари юқори даражадаги инфляцияни сезадилар.

Умумлаштирилган ҳолда яшаш қийматининг ўсиш даражаси ўртача даромадлар ўсишига мутаносиб бўлади. Айти пайтда алоҳида гуруҳлар бўйича таҳлиллар, **яшаш қийматининг ўсишига жуда таъсирчан бўлган** аҳоли гуруҳлари мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

харажатлари миқдори умумий даромадларидан юқори бўлган уй хўжаликлари;

кам даромадли ва юқори даражадаги молиявий мажбуриятларга эга уй хўжаликлари;

қатъий белгиланган даромад олувчи уй хўжаликлари, шу жумладан, нафақа олувчилар.

Хулоса

Инқирозли вазият ва чеклов чоралари шароитида, аҳолининг паст даражада даромад оладиган қатламлари асосий истеъмол товарлар нархлари ўзгаришига кучлироқ таъсирчан бўлади. Паст даромад оладиган аҳолининг асосий қисми иқтисодиётнинг норасмий секторида

⁶ Даромадлар даражаси бўйича қуйи 27 фоизни ташкил этувчи ва УХДС бўйича даромадлари 3 млн. сўмдан паст бўлган уй хўжаликлари.

⁷ Қуйи 27 фоизни ташкил этувчи уй хўжалиқларининг 48 фоиздан ортиғида кредитлар каби молиявий мажбуриятлар мавжуд.

фаолият юритишини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодий фаолликнинг пасайиши, биринчи навбатда, уларнинг даромадларига таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, яшаш қиймати масаласи жорий вазиятда муҳим аҳамият касб этади ва паст даражада даромад олаётган аҳоли фаровонлигини ошириш учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Қисқа муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар:

- бозорларни яшаш учун муҳим бўлган истеъмол товарлари билан таъминлаш ҳамда товарлар таклифини рағбатлантириш ва етказиб бериш занжирини ташкил этиш орқали улар нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик;

- ишга лаёқатсиз шахслар, шу жумладан, ёлғиз она ва ногиронлиги бўлган шахсларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва муҳим истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш;

- ишсиз ёки кам таъминланганлиги сабабли шароити оғир бўлган меҳнатга лаёқатли шахсларга малака ошириш йўли билан янги иш ўринлари яратган ва шароитларни яхшилаган тадбиркорларни рағбатлантириш;

- қишлоқ жойларда аграр соҳани ислоҳ қилиш орқали ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар:

- давлат ва халқаро молиявий институтлар маблағлари ҳисобига олий ўқув юртларида кам таъминланганлар учун квота жойларини ажратиш орқали “ижтимоий кўтарилиш” институтини яратиш;

- аҳолини мақбул уй-жой ва жамоат транспорти билан таъминлаш, молиявий таълим ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш;

- замонавий таълимни молиялаштиришни кенгайтириш ва замонавий ахборот технологиялари, инженерлик, биотиббиёт ва бошқа шу каби замонавий мутахассисликларга йўналтириш;

- кам таъминланган оилалар учун мактаб-гимназиялар сонини кўпайтириш ва болаларни сифатли ўрта таълим билан таъминлаш.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020

*Уй хўжаликлари харажатлари ва даромадлари бўйича сўров асосида
Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.*

Таклиф ва эътирозларни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: achilov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22